БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 65 (3037) | Якшанба, 4 апрель 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

АГРЕГАТЛАР ИШГА ТУШДИ



Ярим донра шаклидаги йўл бурилабориб тўппа-тўғри бўлиб кетади. Кўчанинг икки томони мевазор боғлар... Боғлар тугаб текис пахтазорлар бошланади. Даланинг кўча томонидаги бўй чўзиб, шох ёзиб ўсаётган ўриклар чамандек гуллаган. Асаларилар ғувуллашиб, гулдан-гулга учиб қўнади. Аллақандай ёқимли ҳид димоққа урилади. Ўриклар орқасида трактор гувиллайди, ўхтин-ўхтин кимнингдир «тўхта», «юравер» деган қичқириғи эшитилади. Булут орасидан қуёш чиқиб тракторнинг зангори тутунини кумуш рангга айлантиради. Унинг нури дала бўйлаб тортилган пўлат сим устида ўйнаб жилваланади.

Трактор кемадек сузиб юраркан, орқасида из қолдириб чигит экиб кетарди.

Бугунги кунда қишлоқдаги ҳамма —каттакичик далада. Биров увотларни чопиб ер текислаётган бўлса яна бир группа одам чигит тайёрлаш, дорилаш, уни далага келтириш билан машғул. Бир тарафда трактор ерни молалаб, кафтдек текис қилаётган бўлса, кўшни пайкалдаги универсал ҳайқириб, квадрат-уялаб чигит экмоқда. Картанинг у бошида ҳам, бу бошида ҳам одамлар турибди. Трактор ҳар ғал картанинг чеккасига чиққанда пўлат сим навбатдаги қаторга кўчирилади. Сеялка ғалтаклари ана шу пўлат сим узра яна ғилдираб олдинга кетади.

Бу далалар Султонқул Абдуллаев бошлиқ бригаданнинг пахтазорлари. Бригада аъзолари бу йил 135 гектар ерда пахта етиштиришади. Ҳар гектаридан 28 ўрнига 30 центнердан ҳосил берамиз деб аҳд қилишган. Шу мақсадда тракторлар ўз вақтида ремонт қилинди, ерлар текисланиб экишга сифатли тайёрланди. Экиш колхозда биринчилар қатори бошланди. Квадрат-уялаб чигит экишда тракторчи, сеялкачи ва экипажнинг барча аъзоси бир тан, бир жон бўлиб ишламоқда.

Бригада бошлиғи Султонқул Абдуллаев экишни тез ва сифатли ўтказиш учун курашилаётгани тўғрисида гапириб бундай деди:

— КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлган Пленумида қишлоқ хўжалик ходимларининг фикр-туйғулари тўла баён этилди. Биз партиямиз Марказий Комитети Пленуми қарорларига жавобан яна ҳам фидокорона ишлаймиз ва пахта ҳосилини кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш учун курашамиз.

Тракторчи Ҳамид Миртурсунов, звено бошлиғи Исом Рустамовлар бригадирнинг сўзини маъқуллаб, биз пахтачиликни тўла механизациялаш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқдамиз, деб айтишди. Улар таъкидлаганидек, бу йил бригада ерларининг қарийб ҳаммасига чигит квадрат-уялаб экилмоқда.

Калинин районидаги «Ленинизм» колхозининг поёнсиз далаларида чигит экиш ишлари кун сайин қизғин тус олмоқда. Пахтакорлар ерларни пешма-пеш текислаб бермоқдалар, механизаторлар шу ерларга чигит экишни жадал суръат билан олиб бораётирлар.

Суратларда: (пастда) тракторчи Х. Миртурсунов ва звено бошлиғи И. Рустамовлар экишнинг боришини кузатмоқдалар. Тепада чигит экиш пайти.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг зарур чоралар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Биз март Пленуми материалларини ўқиб ўрганар эканмиз, ўз хўжалигимизда етиштириладиган маҳсулотларни янги нархда ҳисобкитоб қилиб кўришга киришдик. Ўзимизча бундан буёнги ишлар қандай бўлишини чамалаб кўрдик.

Хўш, бизнинг дастлабки ҳисобкитобларимиз, хом-чўтларимиз нималарни кўрсатди. Март Пленумида кўрилган тадбирлар колхозимизга қандай наф келтириши мумкин? Ғалла ва чорва маҳсулотларига янги нархлар белгиланганги туфайли колхоз қанча қўшимча даромад олиши мумкин?

Бизнинг ўз хўжалигимиз доирасида қилган ҳисобларимизнинг натижалари қуйидагича бўлди: бу йил биз 1742 тонна ғалла ҳосили олишимиз, шундан 800 тоннасини давлатга сотишимиз лозим. Агар шу ғалла эски нарх билан сотилганда колхоз 73780 сўм пул даромад қиларди. Янги нархда эса тамом бошқача натижа чиқади. Яъни 800 тонна ғалла учун давлатдан колхоз 90620 сўм олади. Эски нарх билан янги нарх ўртасидаги фарқ 16840 сўмни ташкил қилади.

Бугина эмас, Пленум қарорларига мувофиқ пландан ташқари сотиладиган ғалла учун 50 процент устама мукофот берилиши керак. Ўтган йили биз пландан ташқари 369 тонна ғалла сотиб эски нарх билан 25830 сўм олган эдик. Агар бу йил худди шу миқдорда қўшимча ғалла сотсак 49815 сўм олишимиз мумкин. Иккинчи сўз билан айтганда, шу миқдорда ғалла сотганимиз учун давлат бизга янги нархда бир ярим баравар пул тўлайди.

Чорвачилик соҳасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ҳам бундан кўра каттароқдир. Маълумки, чорвачиликнинг айрим тармоқлари фойда ўрнига муттасил зиён келтиряпти. Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳам қопламаяпти. Шу туфайли кўрилган зарар хўжаликнинг бошқа тармоқларидан келган фойда билан қопланиб келинмоқда. Бундай аҳволда ким қизиқиб ишлаши мумкин. Чорвачиликни қандай қилиб ривожлантириш мумкин?

Март Пленуми мана шу аҳволни тугатиш ва тузатиш йўлларини, хўжаликнинг барча тармоқларини баб-баравар ривожлантириш учун зарур бўлган конкрет тадбирларни ҳам белгилаб берди. Бу биринчи навбатда чорвачилик маҳсулотлари нархини аввалгига нисбатан анча оширилишидан иборатдир. КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида «Колхоз ва совхозлардаги амалда бўлган харид ва тайёрлаш нархларига қорамол бўйича 20 процентдан 55 процентгача, чўчқалар бўйича 30 процентдан 70 процентгача ва қўйлар бўйича 10 процентдан 70 процентгача, баланд тоғли районларда эса 100 процентгача устама қўйиш таклиф этилади» деб айтди. Агар бизнинг шароитимизда чорва маҳсулотларини лоақал ўртача 37 процент кўпайтириб ҳисоблаганда ҳам бу йил давлатга сотиладиган гўштдан анча кўп даромад олишимиз мумкин. Масалан бу йил колхозимизда план бўйича 161,1 тонна гўшт етиштиришимиз лозим. Шундан 116 тоннасини давлатга сотсак илгариги нарх билан 86872 сўм ўрнига, янги нарх билан 125 минг 644 сўм оламиз. Демак, эски нархдагига нисбатан колхозимиз 38772 сўм кўп даромад олади. Умуман ғалла ва чорва маҳсулотидан нарх ўзгарилиши билан колхозимизга 55612 сўм қўшимча даромад келиши мумкин.

Мана шу фактлар партиямиз ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига чексиз меҳрибонлик қилаётганини, қишлоқ хўжалигини тубдан яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганини, унинг негизларини мустаҳкамлаш чораларини кўраётганини, деҳқонларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатларини қадрлаётганини кўрсатиб турипти.

Мўл-кўлчиликни таъминлашга қаратилган Пленум қарори ҳеч шак-шубҳасиз ажойиб натижалар беришига ишончимиз комил. Чунки бу Пленум қарори деҳқонларнинг асл ниятларининг тўла ифодасидир. Бу қарорда камчиликлар тўла очиб ташланган, тараққиёт йўллари конкрет кўрсатиб берилган. Пленум қарорлари биз деҳқонларни катта ишларга отлантирмоқда ва руҳлантирмоқда, ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда.

Бу нарса фақат оғиздагина эмас, балки амалий ишда ифодаланмоқда. Масалан, биз план бўйича кузги ва баҳорги бўлиб 1358 гектар ерга дон экишимиз лозим эди. Ҳозиргача 1468 гектар ерга дон экиб қўйдик. Яна 20 гектар ерга ғалла экиш учун ҳаракат қилямиз. Колхозчиларимиз бу йил ўтган йилгидан 700 тонна кўп сабзавот, 230 тонна кўп картошка етказишга аҳд қилганлар. 80 гектар ерга шоли экиб, 240 тонна ҳосил олмоқчимиз. Сабзаботкорларимиз 4 гектар ўрнига 6 гектар эртаги сабзи, 20 ўрнига 28 гектар ерга карам экдилар.

Моддий рағбатлантириш тадбирлари хўжаликнинг қайси тармоқларида қўлланилмасин жуда яхши натижалар беради. Биз бир неча йилдан буён чорвачилик соҳасида ҳам моддий рағбатлантириш тадбирларини қўлланамиз. Чўпонлар хўжалик ҳисобида иш олиб борадиган бўлиб қолдилар. Чунки чорвачиликни ривожлантиришда ҳар бир чорвадор моддий жиҳатдан манфаатдордир. Хўш, бу тадбирни биз қандай таҳлитда амалга оширяпмиз?

Чорвачилик соҳасида моддий рағбатлантириш тадбирларини правление қарорига мувофиқ қуйидаги тартибда белгилаб олдик. Агар чўпон 100 бош совлиқдан 95 бош қўзи олса қўзи олиш планини юз процент бажарган деб ҳисобланади. Шунда чўпон ҳар ўн бош қўзининг биттасини ўзи олиши керак. Агар 100 бош совлиқдан 125 бош қўзи олган тақдирда юз бошгача бўлган қисмининг ҳар ўнтасидан биттадан қўзи олса, қолган 25 қўзининг ҳар бештасидан биттасини олади. Иккинчи сўз билан айтганда юз бош совлиқдан 125 қўзи олган чўпон 15 та қўзига эга бўлади.

Пландан ортиқ жун қирқиб олган тақдирда ҳам қўшимча ҳақ тўланади. Бизда ҳар бир қўйдан 2,3 килограммдан жун қирқиб олиниши керак. Агар чўпон шундан ортиқ жун қирқиб олса, ортиқ қирқиб олинган жун қимматининг 50 проценти тўланади. Молбоқарлар, сут соғувчилар иши ҳам худди шу хилда ташкил этилган. Шунинг учун улар ихлос билан меҳнат қилмоқдалар.

Биз чорва туёғини кўпайтириш, мақсадида бу йил 10 минг ўрдак боқиб, гўштга топширишни планлаштириб қўйдик. Бунинг учун колхозимизда ўрдак боқиш мумкин бўлган сувли жой бор. Бундан ташқари ўрдакларнинг озуқаси учун районимиздаги консерва заводининг чиқиндисидан бемалол фойдаланиш мумкин.

10 минг ўрдак уч ой боқилса, ҳар бири камида 1,5 килограммдан гўшт қилиши мумкин. Бу 300 килограммдан гўшт қиладиган 50 та қорамол деган сўз. Бу яна 50 бош қорамол туёғини сақлаб қолдик, чорва моллари сони ошди деган сўз.

Мана, биз шонли партиямизнинг тарихий март Пленуми материалларидан ана шундай хулосалар чиқармоқдамиз. Она-Ватанимизга илгаригига нисбатан ҳам кўпроқ дон, гўшт ҳамда хилма-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш учун астойдил курашмоқдамиз.

Абдуғани АБДУСАМАТОВ,
Оржоникидзе районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Усмон ТУРОНОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Усмон УМАРОВ,
колхоз агрономи.

Валентин ТЕГАЙ,
бош зоотехник.

Абдулла АСИЛОВ,
колхоз экономисти.

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 3 апрель. (ТАСС). Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Покистон президенти фельдмаршал Муҳаммад Айюбхон расмий визит билан бугун Москвага келди.

Покистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Президиумининг ўринбосари Д. С. Полянский, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Д. С. Коротченко ва бошқа расмий кишилар, шунингдек Москва меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам бор эди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

3 апрелда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Қ. М. Муртазоев Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни шаҳар партия комитетининг биринчи секретарлиги вазифасидан ва бюро аъзолигидан озод қилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб С. Р. Расулев сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоков, область партия комитетининг секретари К. Н. Бекаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия органлари бўлимининг мудири Г. М. Орлов ўртоқлар қатнашдилар.

ГУРУЧНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари Ўзбекистоннинг барча деҳқонлари, жумладан шоликорлар орасида катта қизиқиш туғдирди. Пленумда тўғри таъкидлаб ўтилишича, шоли каби қимматли экинга зарур эътибор берилмаганлиги натижасида бизлар чет эллардан кўп миқдорда шоли сотиб олишга мажбур бўлган эдик. Вақоланки, бизда шоли етиштиришни кўпайтириш учун ғоят катта резервлар бор.

Бизнинг колхозимиз чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери илгари ботқоқ бўлиб ётган ерларда шоли етиштирмоқда. Илгари бу ер қамишзор ва ботқоқ ерлар бўлган бўлса, ҳозир шоли экилган ҳар гектар майдон юқори ва барқарор ҳосил бермоқда. Биз ўрта ҳисобда гектаридан пландаги 34 центнер ўрнига 50 центнердан ошириб дон олмоқдамиз. Илгор бригадалар эса, гектаридан 60—65 центнердан ҳам шоли олмоқдалар. Бунга биз уруғни анча эрта экаётганлигимиз, самолётлар ёрдамида ерларга ўғит солаётганимиз, тайёргарлик ишларини механизациялаштирганлигимиз натижасида эришмоқдамиз. Бир центнер маҳсулотнинг таннархи пландагидан анча кам бўлиб, 26 сўм 22 тийиндир.

Бизлар бу мавсумда шоли экиладиган майдонларни анча кенгайтирамиз. Бошқа кўпгина районларда — Амударё этакларида, Хоразм ва Сирдарё областларида ҳам шоли экиладиган майдонларни кенгайтириш имкони бор. Бу ерларда ҳозирдаёқ шоли экадиган 14 та ихтисослаштирилган совхоз ташкил этилди.

1970 йилга бориб, Қорақалпоғистон АССРда яна бешта шоликор совхоз барпо этиш мўлжалланади. Шоли етиштириш жуда шўрҳок бўлган ерларни ўзлаштиришда мирзачўлликларга ёрдам беради. Мана бу ажойиб экиннинг имкониятлари ана шундай.

Аммо бу экин кўп меҳнат талаб қилади. Шунинг учун янги техникадан янада кенгроқ фойдаланиш, бегона ўтларни химия воситалари ёрдамида йўқотиш, комплекс механизациялаштирилган бригада ва звеолар тузиш лозим. Текшишар шоли навларини кўпроқ экиш керак. Айниқса совуқ эрта тушадиган шимолий районларда бундай текшишар навларни жорий этиш зарур. Мўл ҳосил олиш учун барча хўжаликларда беда ва шолини алмашлаб экишни амалга ошириш зарур. Бу ҳол ҳосилдорликни гектарига 20 центнерга ошириш имконини беражагини колхозимиз тажрибаси кўрсатди.

Етти йилликнинг охирги йилида Ўзбекистон шоликорлари 50 минг гектар майдонда шоли етиштиришни мўлжалламоқдалар. 1970 йилга бориб, шоли экиладиган майдонларни 106 минг гектарга етказишни ва ҳамма жойда шолидан мўл ҳосил олишни мўлжалламоқдалар. Бу эса ўзбек дастурхони янада мўл бўлади демакдир.

КИМ ПЕН ХВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Зараркунандаларни қириング

Маълумки, қишлоқ хўжалик зараркунандалари экинлар ҳосилини камайтириб юборадиган энг ҳавфли нарсадир. Текширишда шу нарса аниқландики, бултур кузда кенг тарқалган қишлоқ хўжалик зараркунандалари омон-эсон қишлаган. Ҳозирги пайтда эса уларнинг кўпчилиги қишда бикиниб ётган жойларидан чиқиб, дала чеккаларидаги, боғлар ва томорқалардаги бегона ўтларга ўрнашиб олмоқда. Ҳозир айниқса ғўзанинг энг ҳавфли зараркунандалари бўлган ўргумчаккана, барг ширраси ва трипслар тез кўпаймоқда. Уларнинг сони ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда бир неча баробар кўпайиб кетган.

Тупроқда кузги тунламнинг ҳам запаси кўп. Ҳозир унинг қўғирчоқлари ривожланаяпти. Апрель ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлабоқ кузги тунламнинг капалаклари учиб чиқиб, ғўза, сабзавот ва бошқа экинларга тухум қўя бошлайди.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг бундай тез кўпаяётганлиги экинларнинг ёппасига шикастланиши ҳавфини туғдирмоқда. Бу зараркунандаларга қарши курашиш учун жуда кўп миқдорда заҳарли химикатлар ва техника воситалари керак. Бу ишга колхозчилар ва совхоз ишчиларидан жуда кўп кишиларни жалб қилиш зарур.

Экиш олди ва экиш мавсумида қишлоқ хўжалик зараркунандаларини йўқотиш юзасидан бир қатор профилактик тадбирлар ўтказиш жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар шу тадбирлар кўнгилдагидек амалга оширилса ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг асосий қисми бутунлай қириб ташланса, ўсимлик вегитацияси даврида ҳашаротларга қарши курашиш учун қўшимча куч ва маблағлар сарфлашга эҳтиёж қолмайди.

Хўш, апрель ойида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши қандай профилактик тадбирларни амалга ошириш керак?

Биринчидан, пахтазор ва бошқа экинзорларнинг теварагидаги ариқларнинг чеккаларини, уватларни чопиб, юмшатиб қўйиш зарур. Бунга имкон бўлмаган жойларда эса кўп йиллик бегона ўтларни ёқиб, қуйдириб ташлаш керак. Чунки бу ўтлар ғўза, сабзавот, дон ва бошқа экинларга шикаст етказадиган ўргумчаккана, шира, трипс сингари қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг асосий уяси ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳамма жойда ва айниқса пайкал чеккалари, боғлар ва томорқалардаги бегона ўтларга карболинеумнинг 10-15 процентли эмульсияси ёки нитрофеннинг 4 процентли эритмасини сепиш керак. Бу тадбир ҳам бегона ўтларнинг йўқолишига, ҳам уларга ўрнашиб олган қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг қирилишига имкон беради.

Учинчидан, илгариги йиллари

Мутахассис маслаҳати

ғўза кузги тунлам билан зарарланган далаларга экиладиган чигит алдрин (бир тонна туксизлантирилган чигитга бу препаратдан 15 килограмм ишлатилади) ёки гексахлораннинг 12 процентли дусти (бир тонна чигитга бу препаратдан 40 килограмм ишлатилади) билан дориланади.

Алдрин — кузги тунламни йўқотадиган жуда кучли препарат. Агар чигит шу препарат билан дорилаб экилса, ғўза туплари 25-30 кунгача кузги тунлам билан шикастланмайди.

Тўртинчидан, ўрик, шафтоли ва бошқа данакли мева дарахтлари гуллаб бўлганидан кейин уларга комбинациялаштирилган заҳарли химикатлар (ДДТнинг 30 процентли порошогига тиофос ва «Ценеб» препарати аралаштирилган дориворлар) сепилади. Бу тадбир мева дарахтларининг ҳосил тугиш даврида қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликлари билан шикастланишига мутлақо имкон бермайди.

Колхоз ва совхозларнинг энтомолог агрономлари, техникурашчилари, ўсимликни ҳимоя қилиш район отрядларининг мутахассислари ва ходимлари юқорида айтиб ўтилган ана шу муҳим тадбирларни ўз вақтида ва кўнгилдагидай ўтказишга бошчилик қилишлари зарур.

Е. РОГАЧЕВА,
Тошкент область ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясининг бош агрономи.

Б. ДУБРОВИН,
шу станция сигнализация ва прогноз хизматининг раҳбари.

АТОМ ТИНЧЛИК ХИЗМАТИДА

1 апрелда Тошкентда саноатдаги технология процессларини контрол қилиш ва автоматлаштириш учун радиоизотоп методлари ва приборларини қўлланиш юзасидан республика семинари очилди. Бу семинар СССР атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитети, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши, Бутуниттифоқ «Изотоп» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий тадқиқот ишларини координациялаш Давлат Комитетининг ташаббуси билан чақирилди.

Семинарнинг ишида Москва, Ленинград, Свердловск, Ростов, Луганск ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги илмий муассасалар ҳамда саноат корхоналарининг вакиллари қатнашадилар. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР МАСЛАҲАТЛАШДИЛАР

Республика журналистларининг коммунистик қурилишдаги ролини янада ошириш учун нима қилмоқ керак? Матбуот ходимлари ҳозирги вақтда нималарга кўпроқ эътибор беришлари керак? Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг 2 апрелда ўтказилган кенгайтирилган пленумида шу масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Пленумга республика, область ва район газеталари, Ўзбекистон телеграф агентлиги, радио ва телевидение ижодий коллективларининг вакиллари, кўп тиражли бир қанча газеталарнинг редакторлари, актив ишчи ва қишлоқ мухбирлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов КПСС Марказий Комитетининг кейинги қарорлари муносабати билан республика журналистларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. Музокараларда «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев, Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент бўлими бюросининг раиси А. Исмонлов, Сурхондарё область бўлими бюросининг раиси Д. Д. Бичков, Фарғона область бўлими бюросининг раиси А. Мирзаев, Наманганда ги районлараро «Учқун» газетасининг редактори И. Юсупов, «Ташсельмаш» заводининг токари, ишчи мухбир И. П. Чилин, Туркистон ҳарбий округи «Фрунзевец» газетасининг редактори Ф. К. Венгрин, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали редакторининг ўринбосари Х. Ахророва, Андижондаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетининг ректори Е. Б. Народецкая, Ғиждувон район «Колхоз ҳақиқати» газетасининг редактори Т. Юсупов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг раиси, республика Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев қатнашдилар.

Журналистлар ўзларининг биринчи галдаги вазифалари тўғрисида гапириб, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашда матбуотнинг актив иштирок қилиши муҳим эканлигини таъкидладилар. Матбуот ходимларининг профессионал маҳоратини янада ошириш, ижодий союз бўлимларининг ташкилотчилик ишини юксак даражага кўтариш ҳақида амалий таклифлар киритилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлими мудири М. М. Раҳмонқулов ўртоқлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ

Бекобод районидаги колхоз, совхоз ва корхоналарда ташкил этилган партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа ҳамда постлар сўнгги пайтда ўз фаолиятларини анча активлаштирдилар. Улар сезгирлик ва ҳушёрликни тобора оширмоқдалар. Ҳозирги вақтда районда 59 та группа ва 107 та пост иш олиб бормоқда. Уларда коммунистлар, комсомоллар ва касаба союз активларидан 831 киши иштирок этаётир.

Халқ назоратчилари хўжаликнинг ҳамма соҳалари билан қизиқадиган бўлиб қолишди.

Контролга кўмаклашувчи группа ва постлар ўтган йили давлатга пахта сотиш планининг бажарилишини таъминлашда бошланғич партия ташкилотларига катта ёрдам бердилар. Улар бу йилги мўл ҳосил учун курашда ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Группа ва постлар иштироки билан ўтказилган текширишлар натижасида минерал ўғитлар ҳамда заҳарли химикатларни ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланишдаги хўжасизлик барҳам топди. Қишлоқ хўжалик техникасининг сифатли ремонтдан чиқарилиши таъминланди.

Райондаги Дзержинский номли колхоз, 1-«Далварзин» ва 2-«Далварзин» совхозларининг партия ташкилотлари кўмаклашувчи группа ва постларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу партия ташкилотлари кўмаклашувчи группа ва постлар иши билан мунтазам қизиқиб турадилар, уларнинг фаолиятини партия ва ҳукуматимиз қарорларининг бажарилишини тўхтовсиз назорат қилиб туришга қаратадилар.

Бу соҳада 3-«Далварзин» совхози партия комитетининг фаолияти ибратлидир. Ҳозир совхоз бўлимларида, автопаркида, марказий ремонт устахонаси ва қурилиш бўлимида кўмаклашувчи группа ва постлар актив иш олиб бормоқда. Ишчан, талабчан ва соф виждонли кишилардан иборат 50 назоратчи умумхалқ контролида фаол қатнашмоқда. Группа ва постлар совхоз партия ташкилотининг бевосита раҳбарлигида иш олиб боради.

Бекобод район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми халқ назоратчилари фаолиятини муҳокама қилар экан, улар эришаётган муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга йўл қўйилаётган қатор камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Пленумда таъкидланганидек, райондаги айрим бошланғич партия ташкилотлари кўмаклашувчи группа ва постлар ишини жонлантириб юбормаётирлар. Группа ва постларнинг иш плани бюро ёки партия комитети мажлисида тасдиқланмайди. Текшириш натижалари партия йиғилишларида муҳокама этилмайди. «Чаноқ» совхози, «Коммунизм» колхози, Далварзин пахта заводи, район матлубот жамияти партия ташкилотлари бу соҳада ана шундай сust ишламоқдалар.

Пленумда ҳисобот доклади қилган 3-«Далварзин», 2-«Далварзин» совхозлари ва Ленин номли колхоз партия ташкилотларининг секретарлари М. Расулев, В. Султонов, М. Бегматов ўртоқлар халқ назоратчилари ишидаги ютуқларни қайд қилиш билан бирга улар фаолиятини янада яхшилаш юзасидан қимматли фикрларни ўртага ташладилар. Ўртоқ М. Бегматов район миқёсида назоратчиларнинг тажриба алмашиш семинарларини тез-тез ўтказиб туриш лозимлигини айтди. У районлараро «Пахтакорлар овози» газетаси умумхалқ контроли органлари ишига бағишланган материалларни кам ёритаётганлигини кескин танқид қилди.

Музокараларда қатнашган 1-«Далварзин» совхози кўмаклашувчи группасининг раиси З. Куделина, район партия комитетининг секретари М. Кунов, «Победа» колхози партия комитетининг секретари П. Рисбоев, район партия-давлат контроли комитетининг раиси Ю. Рустамов ва бошқа нотиқлар халқ назоратчилари фаолиятига партия раҳбарлигини тағин ҳам яхшилаш тўғрисида гапирдилар. Пленумда кўмаклашувчи группа ва постларни ўз ҳолига ташлаб қўйган бошланғич партия ташкилотлари ишидаги мавжуд нуқсонлар кескин танқид қилинди.

Совхозлараро транспорт-таъминот базаси партия ташкилоти кўмаклашиш группасининг иши билан ҳеч қизиқмайди. Партбюро секретари Набиев ва группа раиси Ҳусамиддинов ўртоқлар ҳатто кўмаклашиш группасининг аъзолари қилиб кимлар сайланганлигини ҳам айтиб бераолмайдилар. Колхозлараро қурилиш ташкилотида эса ишдан кетган кўмаклашиш группасининг аъзолари ўрнига анча вақтгача янги аъзолар сайланмаган. Халқ назорати бўшашиб кетганлиги сабабли қурилиш материаллари ўғирлана бошлаган. Шунингдек «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси, Бекобод суғориш каналлари бошқармаси, Далварзин ремонт заводи партия ташкилотлари ҳам кўмакдошларга эътиборни жуда сусайтириб юборганлар.

Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Нўъмонов музокараларга якун ясади. Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилиниб, партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группа ва постларга партия раҳбарлигини янада яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Т. МИРҲОДИЕВ.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ — МАСАЛАЛАР МАСАЛАСИ

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Областимизнинг барча шаҳар ва районларидаги каби Олмаликда капитал қурилиш ҳажми тез суратлар билан кенгайиб бормоқда. Ҳар йили қатор саноат объектлари, маданий-маиший муассасалар бинолари, кўплаб турар-жойлар фойдаланишга топширилаяпти. Етти йилликнинг сўнгги йилида қилинадиган ишлар кўлами янада катта. Уларни муваффақиятли бажариш, барча объектларни, турар-жой биноларини белгиланган муддатларда қуриб битказиш, бинокорлик ишлари таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан моддий-техника таъминотига, унинг қанчалик пухта ташкил этилганлигига боғлиқ.

Лекин бу соҳада катта камчиликларга йўл қўйилаяпти. Шу муносабат билан моддий-техника таъминотини яхшилаш йўллари ҳақида айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, қурилишда таъминот масаласи жуда ҳам чалкашиб кетган. У ёки бу объект қурилиши бир қанча ташкилотлар — бош пудратчи, ёрдамчи пудратчилар, заказчилар томонидан турли материаллар билан таъминлаб турилади. Бунинг устига ана шу уччала ташкилот етказиб бериши лозим бўлган материаллар, асбоб-ускуналар номенклатураси ҳам аниқ эмас, тартибга солинмаган.

Уччала ташкилот ўзининг кенг таъминлаш тармоғига эга. Уларда анчагина ходимлар меҳнат қилади, катор омборлар, базалар бўлади. Барча базаларда кладовкачилар, ишчилар, механизмлар, автотранспорт, коровуллар бор. Ачинарлиси шу ердаки, ана шундай базаларда кўпинча бир хил материаллар запаси нормадагидан ортиқча, айрим материаллар эса нормадагидан камроқ бўлади.

Фикримизнинг далили учун трестимиздаги аҳволни айтиб ўтиш кифоя. Трестда 5 та қурилиш бошқармаси ва биз қараётган объектларни бунёд этишга қўмаклашувчи 20 дан ортиқ турли хил ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бор. Трестда моддий-техника таъминоти конторасе, унинг марказий базаси бор. Бундан ташқари барча бошқармаларимизда, ёрдамчи пудратчи ташкилотларда ҳам таъминот бўлимлари ишлаб турибди. Бу бўлимларда ҳам марказий омборлар, кладовкалар мавжуд. Уларда ўнлаб ходимлар, кўплаб турли хил механизмлар, мастерлар, ҳисобчилар, бухгалтерлар, экспедиторлар меҳнат қилмоқда.

Фақатгина трестимиз коллективи томонидан қурилаётган объектларни зарур материаллар, техника воситалари билан таъминлаб туриши лозим бўлган бу коллективлар турли материаллар ва фондларни бешта главкадан, 10 та трестдан, қатор бошқармалардан олишади.

Қурилишни таъмин этишдаги ана шундай чалкашликлар жуда катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Бинокорлик ишлари суръатини тезлаштириш, объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш, меҳнат унумдорлигини оширишга салбий таъсир этмоқда. Бинокорларнинг унумли ва баракали ишлашига ҳалақит бермоқда. Кўпинча арзимаган материалларнинг йўқлигидан объектларни ишга тушириш судралмоқда.

Фикримизча, эндиликда қурилишларни зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлашни пухта ташкил этиш вақти етиб келди. Мамлакатимиздаги илғор қурилиш ташкилотларининг бу соҳадаги тажрибаси шуни кўрсатиб турибди. Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарларнинг бинокорлари моддий-техника таъминотини янгича усулда ташкил этишди. Уни марказлаштиришди. Бу эса яхши натижалар бераяпти. Дастлабки якунлар янги усулнинг афзалликларини кўрсатмоқда.

Янги усулга мувофиқ моддий-техника таъминоти тўла марказлаштирилади. Объект учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, механизмлар завод ёки устахоналарда тўла комплектлаштирилиб, қурилишга марказлашган ҳолда етказиб берилади. Моддий-техника таъминотининг бундай ташкил этилиши жуда кўп қулайликлар туғдиради. Аввало «ўз» объектларини зарур материаллар билан таъминлаш ҳақида бош қотирадиган инженер-техник ходимлар бу ташвишдан озод бўлади. Улар фақат ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариш билан шуғулланадиган бўладилар.

Бундан ташқари, янги система туфайли материаллар учун заявкалар бериш, фондларни реализация қилиш тартибга тушади, моддий-техника ресурсларини сарфлаш устидан контролни бекиёс енгиллаштиради, бу вазифаларни ягона ташкилот зиммасига юклайди.

Шуларни ҳисобга олиб моддий техника таъминотини рационал ташкил қилиш зарур. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, бош пудратчи ташкилот ўзи раҳбарлигида қурилаётган барча объектларни моддий-техника таъминотини амалга ошириши ва бунинг учун жавоб бериши лозим. Албатта технология асбоб-ускуналарини заказчи ташкилот етказиб туриши керак.

Моддий-техника таъминотини янгича ташкил этиш учун бош пудратчи бўлган қурилиш трести ҳузурида моддий-техника ресурслари билан комплектлаш бошқармасини тузиш мақсадга мувофиқдир. Албатта у трестнинг категориясига монанд бўлиши лозим. Бу бошқарма объектларни бунёд этишда қурилиш трестига кўмаклашаётган барча ёрдамчи пудратчи ташкилотларни ҳам зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаб туради.

Трест ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари қарамоғида бир қанча кичик-кичик ишлаб чиқариш корхоналари бор. Уларнинг ҳаммасини ягона хўжаликка бирлаштириш зарур. Бу хўжаликда бетон қоришма узеллари, асфальт-бетон қурилмалари, темирчилик устахоналари, арматура цехлари ва полигонлар ҳамда бошқа шундай ташкилотлар бўлади. Ишни бундай ташкил этиш ёрдамчи корхоналар қувватидан унумли фойдаланиш, уларнинг иш кўрсаткичларини яхшилаш ва қурилиш учун зарур бўлган турли бинокорлик материалларини тез ҳамда соз тайёрлаш имконини беради.

Капитал қурилишда моддий-техника таъминотини янгича ташкил этиш бинокорлар ишига катта ёрдам берган бўлур эди. Республика қурилиш министрлиги бу масалани чуқур ўрганиб чиқиши ҳамда уни яхшилашга олиб келадиган янги усулларни кенг жорий қилиши лозим. Мамлакатимиздаги илғор қурилиш ташкилотларининг тажрибасини ўрганиш, уни республикамиз шароитига мослаб қўлланиш лозим.

Ю. ОЧИЛДИЕВ,
«Алмаликсвинецстрой» трестн бошқарувчисининг ўринбосари.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ОБРАЗИ

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

<> <>

Китобхонлар яқинда ёш танқидчи Анқобой Қулжоновнинг «Замон ва замондошларимиз» номли китобини олдилар. Ёш автори ўзбек адабиётининг ривожланиши ва адабиётимизда замонавий проблемаларнинг ёритилиши қизиқтираётганлиги китобнинг номидан равшан кўриниб турипти.

Қулжонов ўз китобида КПСС XX съездидан кейин ўзбек совет адабиётида яратилган айрим бадиий асарлар билан китобхонни таништиради ва шу заминда адабиётнинг сўнгги босқичидаги тараққиёт хусусиятларини таҳлил этади.

«Замон ва замондошларимиз» китобида танқидчи ўзбек ёзувчиларининг уч авлодига мансуб бўлган турли характердаги асарларни таҳлил қилишга катта эътибор берган. Қулжонов ўзбек қишлоғида совет демократиясининг кенгайиши, унда шахсга сиғинишнинг кўринишларига қарши кураш ва ўзбек аёлларининг сиёсий, этика, ҳуқуқ ва нормаларининг мустаҳкамланиши учун кураш («Синчалак» повести); қўрқ ерларни ўзлаштириш ва халқлар дўстлиги («Бўрондан кучли» романи); совет инсонпарварлиги, ўзбек зиёлиларининг янги авлодини тарбиялаб етиштириш, муҳаббат ва коммунистик ахлоқ («Муқаддас» повести) каби темалар устида фикр юритади.

Тўплам билан танишар эканмиз, китобхон авторнинг қуйидаги мақсадини: адабий-бадиий асарларда тасвирланган социалистик воқеликни эстетик жиҳатдан ўзлаштиришни ўрганиш, таҳлил этилаётган асарларни илмий асосда баҳолашга эътибор бераётганлигини равшан билиб олади.

Ёш танқидчи бадиий асарни ўрганар экан, аввало у асардаги ҳодиса-воқеаларнинг мантиқий ривожланиш жараёнига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилади.

«Синчалак» повестининг асосий конфликти, характер ва сюжет ривожининг бош йўналишлари танқидчини қизиқтиради. Асарда акс эттирилган барча мураккаб ва кўп қирралі бадиий оламни ўз тадқиқоти доирасида тутиб ва жамлаб туришга интилади. Авторнинг асосий эътибори адабиётнинг марказий масалаларига, яъни реалистик характер яратиш, асосий конфликт ва композициянинг бош ўзаги, асосий сюжет ва унинг ривожи, бадиий маҳорат проблемаларига қаратилади.

Лекин автор бадиий образлар ва характерлар оламига бутун иштиёқи билан кириб оладида ва асардан олинган эстетик лаззат ва тадқиқот илҳоми тўлқинларига берилиб кетадида, ҳаётий воқеликни (ёки воқеий ҳаётни) назардан четда қолдиради: бадиият қонунлари ижтимоий ҳаёт қонунларига деярли тақозо қилинмайди. А. Қулжоновнинг «Синчалак» повести тўғрисидаги мақоласи бу фикрга мисол бўла олади. Авторнинг бу мақоласида китобхон Саида ва Қаландаров, Уми да ва Норматов, Манзура ва Козимбек образлари ҳақидаги тўғри ва баҳсли фикрлардан бошқа нарсани учратмайди. Китобхонда ҳақли равишда шундай савол туғилади: бадиий ҳаёт асосида ётувчи ҳақиқий ҳаёт қани? Ахир, бадиий асар ҳақиқий ҳаёт қонунларини тушунишга ёрдам бериши керак-ку?!

А. Қулжонов адабий танқиднинг йирик ва мураккаб масалаларини ўрганишга интилади, шу билан бирга у таҳлил этилаётган асарлар ҳақида илгари айтилган фикрларга танқидий муносабатда ҳам бўлади. Ёш танқидчининг Г. П. Владимиров ва У. Норматовлар билан тортишуви бунинг мисолидир: У Норматовнинг фикрича, «Муқаддас» повестининг бош қаҳрамонларидан бири бўлмиш Шариф баъзан ўз мустақиллигини йўқотиб қўйиб, гўё отаонасининг хоҳишига кўра иш тутади. Қулжонов эса Шариф характери ривожининг ўз ички мантиқи борлигини, бу характер доимо мустақил ҳаракат қилишини ишонарли далиллар билан исботлайди. А. Қулжонов Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романидаги Муротали образини Г. П. Владимиров нотўғри, ноизчил талқин этганлигини танқид этади. Г. Владимировнинг тушунтиришича, Муротали образи гоҳ салбий, гоҳ ижобий тус олар эмиш. А. Қулжонов Муротали образини фақат ижобий образ сифатида талқин қилади. Бу ижобийликнинг моҳияти — Муротолининг фидокорона меҳнатида, сезиладиган поэтик пафосдадир.

Характерлар тараққиётининг руҳий диалектикасини ўрганишда А. Қулжонов бадиий асар бош қаҳрамонини диққат марказида тутади. Чуноҳи, А. Қаҳҳорнинг «Синчалак»ида Саида ва Қаландаров, Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли»сида Ойқиз ва Олимжон, О. Ёқубовнинг «Муқаддас»ида Муқаддас ва Шариф образларига автор алоҳида эътибор беради. Бироқ танқидчи бу билан чегараланмайди, у таҳлил этилаётган бадиий асардаги ҳамма ҳодисалар, деталлар, эпизодлар, персонажлар образ ва характерларни (улар асосий ёки иккинчи даражали бўлишидан қатъий назар) чуқур ўрганади. Эшон, Кифоятхон ва Зулфиқоров («Синчалак»дан); Қодиров, Алиқул ва Ғофур («Бўрондан кучли»дан); Азимов ва Салим Каримович («Муқаддас»дан) танқидчининг таҳлил қаламі билан ҳам йўнилган. Танқидчи бу хил образларни бош қаҳрамонларнинг сояси, «ёрдамчиси» деб тушунмайди, балки ўз эстетик вазифа ва юкига эга бўлган нисбатан мустақил образлар деб қарайди. Бироқ автор гоҳо «иккинчи даражали» ва салбий образларни кенг таҳлил қилиш билан ортиқча қизиқиб кетади, шунинг учун китобнинг баъзи бетларида (43-49), баёнининг ортиқ чўзилиб кетганлиги кўзга ташланади.

Танқидчи социалистик реализм санъати асарларини яратишда ёзувчиларнинг дўсти ва сафдошидир; у ёзувчига ёрдамчигина эмас, шу билан бирга сўз санъати тўғрисидаги фанни юксалтиришда мустақил ижодий фигурадир: айтиш мумкинки (кенг маънода олганда) танқидчи бадиий асар умрини узайтиришда, унинг китобхонлар учун чинакамига маънавий мулк бўлиб қолишида санъаткор билан ҳамкорлик қилувчи автор, унинг асарига шерик бўлган шахсдир.

А. Қулжонов китобининг баҳсли ўринлари тўғрисида мулоҳазали фикрларимиз бор. «Замон ва замондошларимиз» китобида умум фалсафий ва умум эстетик характердаги камчиликлар кўзга ташланади. Масалан, «белгиловчи куч» ҳақидаги фикрларни олайлик. А. Қулжонов гоҳ ҳаёт ҳақиқатини (56 бет), гоҳ қаҳрамоннинг бирор хусусиятини, яъни қаҳрамонликни (56 бет), гоҳ қаҳрамонликнинг ижтимоий тараққиётнинг бирор босқичига мансуб эканлигини (64 бет) бадиий характерга нисбатан белгиловчи куч деб олади. Бу адолатсизлик, тўғри эмас. Чунки адабий танқидда «белгиловчи куч» ҳақида гап борганда, биринчидан, воқеликни бадиий асарга нисбатан белгиловчи куч эканлигини ва иккинчидан, бирор бадиий характернинг бош хусусияти «белгиловчи куч» деб талқин этилиши мумкин эмаслигини ҳисобга олиш зарур.

А. Қулжонов баъзан бадиий асарда акс эттирилган миллий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини назарга олмайди, натижада «Синчалак» повестидаги Козимбек ва Манзура образлари унга бўш ва бир томонлама образлар бўлиб кўринади. Китобхон сифатида, шуни айтиш мумкинки, бу — мунозарали фикрдир. Зотан Козимбек, Манзура, Умида ва Усмонжон образларининг бойлиги, кучи, гўзаллигини Саида ва Қаландаровлар образини очгандай очиш учун, А. Қаҳҳор, биринчидан, асарнинг асосий конфликти ва композициясидаги мувозанат ўлчовини анчагина бузиши, иккинчидан, повестнинг адабий жанрлик хусусиятлари чегарасини ҳам бузиши зарур эди.

Айрим образларга А. Қулжонов томонидан берилган баҳога ҳам қўшилиб бўлмайди. Масалан, Муқаддас ва Шарифнинг («Муқаддас»дан) севги муносабатларини ўрганар экан, автор ўз китобининг 122 бетида Шарифнинг Муқаддасга етишиш йўлида қилган ҳамма хатти-ҳаракатларини «елимдек ёпишиш» деб баҳолайди. Наҳотки, ўзининг ёрқин ва қайноқ севги хиссиётлари билан китобхонга ёқадиган Шариф шу ноҳақ баҳога лойиқ бўлса?! Ахир Шарифнинг табиий ва бевосита шакллана борувчи севги хиссиётида ҳам унинг принципиаллиги ва ахлоқий гўзаллиги намоён бўлади-ку?!

Ўйлаймизки, ёш танқидчи А. Қулжонов эндиги мақолаларида севимли образларимизни баҳолашда зарур даражада эҳтиёт бўлади.

А. Қулжоновнинг «Замон ва замондошларимиз» номли китобини баҳолаганимизда, унинг мазмунини биз юқорида айтиб ўтган мунозарали ўринлари ва камчиликлари белгиламайди. Бу китобнинг қиймати унинг илмий мазмунида, адабиётимизни таҳлил этишдаги фазилатларида, ёш танқидчининг ўз ижодий фаолиятида тутган ўрнида, тўпламни китобхонлар оммаси томонидан қизиқиш билан кутиб олинганидадир. «Замон ва замондошларимиз» китоби Анқобой Қулжоновнинг ўзбек адабиётшунослари қатори яна бир ёш танқидчи етишиб чиққанлигини кўрсатувчи далилдир.

М. НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати.



БИЛИМЛАР МАРКАЗИ

Совет педагоги! Бу касб эгаларининг меҳнати жушқин, шарафли ва фахрлидир. Ҳақиқатда ҳам шуидай. Ёш авлод шу меҳрибон қалб эгалари қўлида таълим олади, тарбияланади. Шунинг учун ҳам педагог кадрлар катта ғамхўрликлар билан қуршаб олинган.

Ўқитувчи кадрларнинг педагогик маҳоратларини ошириб боришлари учун ҳамма имкониятлар мухайё қилинган. Ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, турли методик кабинетлар педагоглар ихтиёрида. Тошкентдаги Ф. Д. Ушинский номли ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказий институти ҳам педагоглар билан доим гавжум бўлади. Улар бу ерда ўз педагогик маҳоратларини оширадилар, педагогика фани ютуқлари билан танишадилар.

Мазкур институт яқинда янги, ҳашаматли бинога кўчди. Эндиликда институт ўз фаолиятини тўрт қаватли бинода олиб боради.

Институтнинг янги биносида ҳамма қулайликлар мавжуд. Бу ерда катта ўқув корпуси билан бирга 22 та турли методика кабинетлари ҳам бор. Методика кабинетлари ходимлари ўқитишнинг илғор методини қўллаш, дарслардан моҳирона фойдаланиш, илғор ўқитувчиларнинг бой тажрибаларини кенг ёйиш ишлари билан шуғулланадилар.

Институт спорт ва мажлислар залига ҳам эга. Улар керакли жиҳозлар билан тўла таъминланди.

Малака ошириш учун келган ўқитувчиларнинг турли фанлар бўйича ўзаро тажриба алмашишлари учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган. Ўқув устахоналари тажрибалар алмашиш максадида ташкил қилинди.

Жуда бой адабиётларга эга бўлган кутубхона ҳам ишлаб турипти. Бу ердан педагогика фанига оид истаган китобларни олиб ўқиш мумкин.

Педагогика билимлари ўчоғида эндиликда 4 мингдан ортиқ ўқитувчи ўз малакасини ошириши мумкин. Уларга турли фанлар бўйича лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Бунинг учун тажрибали педагоглар, олимлар жалб этилади.

Суратларда: (юқорида) институт тингловчилари кутубхонанинг ўқув залида, (пастда) институт янги биносининг умумий кўриниши.

Р. Шамсиддинов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

,,СИҲАТ-САЛОМАТЛИК'' ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкентдаги Охунбобоев номли шаҳар Маданият уйи ҳузурида «Сиҳат-саломатлик» ҳалқ университети ишлаб турибди. Унинг ташкил топганига 5 йил бўлди. Машғулотлар ҳар 15 кунда бир марта ўтказиб турилади. Университет тингловчиларига медицинага доир турли темаларда мазмунли лекциялар ўқилди, ўтилган темалар юзасидан жойларга экскурсиялар ўтказилди.

Шу кунларда университет машғулотлари қизғин олиб борилмоқда. Кейинги икки-уч ой ичида тингловчиларга университет ректори, медицина фанлари кандидати И. Фозилов «Сандал ва унинг зарари», медицина фанлари доктори, профессор М. Шаматов «Қийшиқ суякларни тўғрилаш ва уларни даволаш тадбирлари», медицина фанлари кандидати А. Муҳарамова «Асаб касалликлари нимадан бўлади ва уни даволаш тартиблари» каби темаларда лекциялар ўқишди.

«Химия фанининг мўъжизалари (мўъжизасиз мўъжизалар)» каби тематик кечалар ҳам бўлиб турибди. Тингловчиларга машғулотлар сўнг маданият уйи бадиий ҳаваскорлари иштирокида томошалар кўрсатилади.

Университетни ўтган давр ичида 100 дан ортиқ тингловчи битириб чиқди.

Н. РЎЗИМУҲАМЕДОВА.

ЙИГИРМА БАҲОР

Венгриянинг фашист босқинчиларидан озод қилинганига 20 йил тўлди

Ҳар йили баҳор келиши билан Венгрияда миллий байрам кунлари ҳам бошланиб кетади...

Венгрия меҳнаткашлари 1945 йил баҳорини жуда яхши эслашади. Немис фашистлари ҳамда хортистлар ҳукумати томонидан таланган мамлакат қийин аҳволда қолди. Халқ хўжалиги вайрон қилинган, энг йирик заводлар бузиб ташланган, улардаги машина ва асбоб-ускуналар эса Ғарбга жўнатиб юборилган эди. Будапештнинг Дунай орқали ўтган ҳамда шаҳарни бирлаштириб турган кўприклар портлатилди. Лекин шу билан бирга худди шу баҳорда венгер элида озодлик тантана қилди, мамлакатда тинч қурилиш йиллари бошланди.

Ҳозирги кунда Венгрия меҳнаткашлари босиб ўтилган йигирма йиллик йўлга назар ташлаб, ўз ишларига якун ясамоқдалар.

Ўтган икки ўн йиллик ҳақиқатан ҳам тинч ижодий қурилиш йиллари бўлди. Венгрияда саноат ишлаб чиқариши беш баравар ўсди. Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш ишлари тугалланди. Мамлакатда саноатнинг янги турлари барпо этилди, янги шаҳар ва қишлоқлар, йирик саноат марказлари пайдо бўлди, булар венгер меҳнаткашларининг меҳнати ва ақл заковати билан бунёдга келтирилди.

Венгрияда социалистик маданият бой тарихга эга бўлган венгер маданияти анъаналарига асосланган ҳолда ривожланди. Мамлакатда неча ўнлаб халқ театрлари ва маданият саройлари очилди. Ҳозир ўн миллион аҳолига эга бўлган Венгрияда қариб икки ярим миллион киши ўқийди.

Венгрия Халқ Республикаси бошқа социалистик мамлакатлар ва айниқса СССРнинг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигида социализм қурмоқдалар. Унинг халқаро майдондаги обрўси ошди. Ҳозир у дунёдаги 128 давлат билан савдо сотиқ қилади, 66 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Миллий байрам кунларида Венгрия меҳнаткашлари яна бир марта совет халқига чуқур миннатдорчилик билдирмоқдалар. Уларнинг социалистик қурилиш йўлида эришган муваффақиятлари Совет Иттифоқи билан, унинг дўстона ёрдами ва ҳамкорлиги билан бевосита боғланган. Бундай алоқалар йилдан-йилга ривожланиб бораётир.

Мана, бир неча мисол. «Дружба» нефть қувури орқали оқиб келаётган совет нефти ҳозирги вақтда Дунай нефтни қайта ишлаш заводининг резервуарларини тўлдирмоқда. Яқинда Будапештдаги «Энергопроект» институтида 400 киловольт кучланишга эга бўлган электр узатиш линиясини қуриш учун лойиҳалар тайёрлана бошланди. Венгрияда биринчи ҳисобланган бундай линия мамлакат пойтахтини Совет Иттифоқи чегараси билан электр симлари орқали боғлайди.

Венгрия ҳам ўз навбатида Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиб, унинг заказларини муваффақият билан бажармоқда. Масалан, кейинги беш йил давомида СССРга ўрта ҳисобда 56 минг тонна мева маҳсулоти экспорт қилинди. 1970 йилда эса бундай маҳсулот миқдори 327 минг тоннага етказилади.

Венгер халқи тинч меҳнат йилларида жуда катта муваффақиятларга эришдики, уларни социалистик мамлакатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигисиз тасаввур қилиш қийин. Бундай ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлган Венгриянинг саноати ва қишлоқ хўжалиги, маданияти кун сайин ривожланаяпти. Венгрия социализм қурмоқда!

Венгер халқининг миллий байрами кунида совет халқи унга социализм қурилишида катта муваффақиятлар тилайди.

И. СУЛТОНОВ.

АЙНИ МУДДАО

Колхозимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Пленум ҳужжатлари ҳар бир участка ва звенода атрофлича ўрганилиб чиқилмоқда. Шу билан бир қаторда ўзларининг ҳис ва туйғуларини ўртага ташламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам бу Пленум ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган пленумлардан бири бўлди. Унда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган муҳим масалалар кўриб чиқилди ва конкрет равишда ҳал этилди. Партия ва ҳукуматимиз моддий бойликлар яратаётган кишилар учун барча шарт ва шароитларни вужудга келтирмоқда. Эндиликда бизда етиштирилган ғалла, дон, шунингдек чорвачилик маҳсулотларининг давлат харид қилиш нархлари янги баҳолар билан қабул қилинади. Пленум шунингдек қишлоқ хўжалигини техника билан етарли таъминлаш юзасидан ҳам зарур тадбирларни кўрди. Биз Пленум ҳужжатларини ўрганар эканмиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўз зиммамизга қандай вазифалар юклатилганлигини яна ҳам конкрет аниқлаб оляпмиз. Ҳақиқатан ҳам авваллари бизнинг етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларимиз анча арзон баҳоларда харид қилинарди. Пленум қарорида кўрсатилгани, энди биз давлатга маҳсулотларимизни аввалгига нисбатан анча оширилган баҳоларда сотамиз. Бу эса деҳқонларимизнинг манфаатдорлигини яна ҳам оширади. Хўжалигимизни мустаҳкамлайди.

Планлаштириш тўғрисида бир-икки оғиз сўз. Ўтган йили ишлаб чиқариш планига мувофиқ колхозимиз давлатга юз тонна ғалла сотиши керак эди. Биз ҳалол ишлаб районда биринчилар қатори планимизни бажардик. Қўшимча равишда яна 84 тонна ғалла сотдик. Қолган ғаллаларни эса уруғликка олиб қўймоқчи эдик. Янги топшириқ келди, биз яна қўшимча равишда 50 тонна ғалла сотдик. Бу ҳам камлик қилиб қолди шекилли яна қўшимча равишда 89 тонна ғалла топширилди. Бу эса бизнинг режаларимизни амалга оширилмай қолишига сабаб бўлди. Эндиликда бундай планлаштиришга чек қўйилади. Йил бошидан бошлаб қатъий план асосида иш олиб борилади. Пландан ташқари топширган ғалламизни ортиқча баҳоларда сотиш ҳуқуқига эга бўламиз. Бу эса хўжаликни мустаҳкамлашга, унинг даромадини оширишга хизмат қилади.

Пленумда харид нархларининг оширилиши сабабли пахтачилик кенг ривожланганлиги алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ўтган йили республикамиз пахта тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажарди ва пландан ташқари 220 минг тонна қимматли хомашё етказиб берди. Бизнинг колхозимиз ҳам яхши кўрсаткичларга эришди.

Пахтачилик — энг кўп меҳнат талаб этадиган техника экинларидан биридир. Шунинг учун уни тезроқ механизациялаш катта аҳамиятга эга. Пахтачиликда техникадан қанчалик самарали фойдаланса, қўл кучи шунчалик камаяди. Колхозларимиз кучли тракторлар, кўплаб юк машиналари олган сари маҳсулот таннархи арзонлашаверади.

Пленум қарорлари деҳқонларимизни кундан-кунга самарали меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда. Буни шу кеча-кундуздаги ишларимиздан ҳам кўриш мумкин. Мен кеча далаларни айланиб чиқдим. Фермаларда бўлдим. Ҳамма ерда колхозчиларимиз зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Ҳар бир ишни сифатли бўлишига эътибор қилишаяпти. Механизаторларимизнинг меҳнати ҳам чакки эмас. Улар ташаббус билан ишлашиб, қисқа вақт мобайнида беда экишни тамомлашди. Бегона ўтларнинг илдизлари йўқотилиб олинди. Маккажўхори ва жўхори экиш ҳам юқори агротехника талаблари даражасида ўтказилди. Шуни ҳам айтиш керакки, беда майдонлари кенгайди. Авваллари жўхори экмас эдик. Бу йил бу экинни анчагина майдонга экдик. Ўйлаб қарасак, жўхори ҳам дон етиштиришнинг энг муҳим резервларидан бири экан. Шундай қилиб биз алмашлаб экишда анчагина иш қилдик. Бу ишнинг кенг йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалик экинларининг ҳамма турларидан мўл ҳосил етиштиришда муҳим воситалардан бири бўлади.

Биз чигит экиш кампаниясига ҳам зўр тайёргарлик билан киришяпмиз. Қисқа вақтда экишни уюшқоқлик билан тамомлаш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

Бу йил биз она-Ватанимизга 2500 тонна «оқ олтин» етиштириб берамиз. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни икки центнерданга кўпайтириб, 31 центнердан пахта оламиз.

Чорвадорларимизнинг иши ҳам ёмон эмас. Улар етти йилликнинг якуниловчи йилини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилишяпти. Чорвадорлар сут ва гўшт тайёрлаш бўйича квартал планларини муддатидан олдин бажардилар. Биз бу йил пландан ташқари 320 центнер сут ва 100 центнер гўшт сотишга қарор қилдик.

Пленум материалларини муҳокама қилиш вақтида колхозчиларимиз қишлоқ хўжалиги артели Устави ҳақида ҳам анчагина гапларни айтишди. Ҳақиқатан ҳам амалдаги қишлоқ хўжалик артели Уставининг кўп моддалари анча эскиб қолди. Сабаби, уни қабул қилинганига анча бўлди. Бу вақт ичида колхоз тузумида жуда кўп ўзгаришлар рўй берди. Энди янги Уставни ишлаб чиқиш вақти келди. Қишлоқ хўжалик артели Устави қабул қилиш қанчалик тезлаштирилса ишимиз яна ҳам яхши бўлади. Колхозчи деҳқонларнинг демократик ҳуқуқлари яна ҳам кенгайтирилади. Уларнинг активлиги оширилади. Артель аъзолари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам беради. Ҳар бир кишининг ишга бўлган масъулиятини яна ҳам оширади.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш йўлларини тўғри кўрсатиб берди. Биз ана шу йўлдан оғишмай борамиз. Пахта ва бошқа экинлардан муттасил равишда юқори ҳосил етиштириб, зиммамизга юклатилган вазифани муваффақиятли бажарамиз. Бу партия ва ҳукуматимизнинг чақириқларига бизнинг амалий жавобимиз бўлади.

М. ИСМАТОВ,
Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

АКА-УКАЛАР ТАШАББУСИ

Мусо Тўрабеков Бекободдаги Дзержинский номли колхознинг меҳнатсевар механизаторларидан биридир. У бундан икки йил муқаддам комплекс механизациялашган тюпкочи звенога бошлиқ қилиб тайинланган эди. Ўртоқ Тўрабеков ва у бошлиқ пахтакорлар дала ишларини комплекс механизациялаштириш, «оқ олтин» ҳосилдорлигини ошириш борасида уддабуролик билан иш юритиб, юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Звено бошлиғи Мусо Тўрабековнинг тўрт ака-укаси бор. Бу йил ака-ука Мусо, Карим, Бўрон, Исо ва Тожибой Тўрабековлар ажойиб ташаббус кўрсатишди. Улар колхоз правлениесидан бир қолоқ участкани биркитиб беришни илтимос қилишди. Бу илтимос қондирилди. Беш ака-укага 45 гектар ер ажратиб берилди. Бир оила аъзоларидан иборат комплекс механизациялашган звенода ҳозир гектар бошига камида 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун қизғин курош кетаяпти.

Баҳорнинг ғанимат дамларини зое ўтказиб юбормаслик учун акаукалар ғайратга-ғайрат қўшиб ишлашаяпти. Звено территориясидаги ариқ-зовурлар аллақачон тозалаб қўйилган эди. Ҳозир дала бошларига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом эттирилмоқда. Звено бошлиғи Мусо Тўрабеков ердаги намни тўла сақлаб қолиш мақсадида ўз агрегати билан барча майдонларни барвақт бороналаб қўйди.

— Биз бу йил 45 гектар еримизнинг ҳаммасига чигитни квадратуялаб экмоқчимиз,— дейди ўртоқ Тўрабеков,— экиш агрегатимиз ишай. Экипаж аъзолари ўқитилди. Эрта-индин ер етилиши биланоқ чигит экишга қизғин киришиб кетамиз.

Р. ТОЖИҚУЛОВ.

Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз сабзавотчилари областда биринчилар қаторида механизмлар ёрдами билан картошка экишни бошлаб юбордилар. Деҳқонлар гектар бошига камида 15 тоннадан ҳосил кўтаришга бел боғлашди. Картошка йиғиб-теришда олингач, унинг ўрнига маккажўхори экилади. «Дала малинаси»дан гектар бошига 1000 центнердан кўкпоя олиш мўлжалланмоқда. Суратда: колхоз даласида механизмлар ёрдами билан картошка экиш пайти.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси (ЎзТАГ).

МАШЪАЛЛАР ДАЛАСИДА

Машъал «Политотдел» колхозининг 20-бригадасида ўтган йили ҳар гектар пахта майдонидан 33,5 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди.

— Бу йилги режамиз янада улкан, — дейди ҳозирда участка бошлиғи бўлиб ишлаётган собиқ бригадир ўртоқ О. Жониқулов, — мавсумда 113 гектарга чигит экиб, пахта ҳосилдорлигини 37 центнерга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Миришкорларнинг нияти холис. Участкада бўлажак мўл ҳосилга пухта замин ҳозирланаётганлиги бундан далолат бериб турибди. Эртаки ўйлаб иш юритишни одат қилиб олган пахтакорлар тараддудни барвақт бошлаб юборишдилар. Барча майдонлар эрта кузгача об-тобида сифатли шудгорланди. Ҳайдов олдидан ерларга самолёт ёрдамида гектар бошига 200 килограммдан фосфор сепилди.

Участкада бу йилги мавсумда деҳқончиликнинг янги прогрессив усули қўлланила бошланди. Бригада тугатилиб, унинг ўрнига иккита комплекс механизациялашган звено ташкил этилди. Бу звеноларнинг ҳар бирига биттадан «ДТ-28» трактори, сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари биркитиб берилди.

Бу йил звеноларда алмашлаб экишга катта аҳамият берилаяпти. Шу мақсадда 32 гектар ердаги эски беда бузилиб, пахта экиш учун сифатли ҳайдаб қўйилибди.

— Чигитни уяларга 60×45 схемасида жойлаштирамиз, — дейди механизатор — звено бошлиғи Н. Пердашев, — экиш билан бирга ҳар гектарига 150 килограммдан азот солиш ҳозирлигини кўриб қўйгандик.

Бўрсиб етилган тупроқ бағрига «оқ олтин» уруғи қадала бошланди. Моҳир механизаторлар бошлиқ звеноларнинг аъзолари чигит экиш кампаниясини қисқа муддатда ўтказиш учун курашмоқдалар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
М. ИСМОИЛОВ.
Юқори Чирчиқ.

ЕР СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Бу йил Калинин номли колхоз деҳқонлари ҳар гектар майдондан 25 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишди. Колхоз далаларида ана шу аҳдга муносиб иш ҳам қилинмоқда. Барча ариқ ва зовурлар сифатли қилиб тозаланди. Бу ишдан кўнгиллари хотиржам бўлган колхоз аъзолари экин майдонларини текислашга киришиб кетдилар. Шу кунгача анчагина карта четлари текислаб қўйилди.

Хўжаликда тракторчилар дала хўжайини ҳисобланишади. Улар кузда сифатли шудгор қилиб қўйилган ерларни борона қилиб намини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Озод Иноятов, Мутал Тошқулов, Эркин Тошқулов сингари моҳир механизаторлар ҳам сифатли, ҳам нормадан орттириб меҳнат қилиб бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Р. ТОҒАЕВ,
Оққўрғон райони.

Бўрдоқичилар

Қуёш анча тик кўтарилиб қолганди. Шаҳардаги катта дарвоза олдида юк машинаси тўхтади. Кабинадан новча бўйли, қорачадан келган олтмиш ёшлар чамасидаги бир киши тушди. У чаққон ҳаракат билан машина ғилдирагига оёқ қўйиб, кузовга кўз югуртди. Келтирилган молларнинг ҳаммаси соғ. Бир қорамол тумшиғини отага чўзиб, унинг қўлини ҳидлаб, ялай бошлади. Ота молнинг пешонасини силаб, бошқаларини ҳам зимдан кузатиб чиқди. Семиз, ҳаммасининг сағрини ялтираб турибди.

Ота новвосларга қайта-қайта суқланиб қарайди. Ҳаммасининг беозор келганига қаноат ҳосил қилгач, машинадан сакраб тушди. Кейин шофер йигитга «юрабер» деб имо қилди. У, газ бериб, машинасини ўрнидан қўзғатиб дарвозадан ичкарига кириб кетди.

Моллар алоҳида-алоҳида тортилди. Отанинг кўз чамаси ҳам торозн бўлиб қолибди. Бўрдоқиларнинг бири иккинчисидан қолишмайди. Тафовут жуда кам.

Ўша куни ота Оҳангарон гўшт комбинатидан ҳурсанд бўлиб қайтди. Давлатга топширилган бўрдоқиларнинг ҳаммаси юқори семизлик билан қабул этилди.

Ота Боссиқ қишлоғига қайтиб келганида кеч кириб қолганди. Уни касбдоши Ҳусан кутиб олди.

— Қандай, эсон-омон моллари топширдингизми?

— Ҳа, сен боққан моллардан камчилик топишмади. У ердагилар раҳмат, яхши боқибсизлар дейишди.

Икки чорвадор молхонага кирди. Ота молларнинг қай аҳволда эканлиги билан қизиқади. Ерга тушиб кетган хашакларни охурга солиб, чиқди. Кейин деди:

— Мана, Ҳусан кўрдингми, гўшт комбинатининг қоғозини. Тинниб-тинчимаганимизнинг натижаси бу. Қўй-қўзи ва қорамолнинг жаҳи тинмасин, доимо қимирлаб турсин. Кам ётиб, кўпроқ юрсин. Шунда берган емишингнинг фойдаси бўлади. Молнинг териси кенгайиб этига эт қўшила беради. Мана, кичик бузоқларни катта қилиб новвосга айлантирдик. Ҳар бири торози босадиган бўлди. Бор-йўғи уч ой боқдик. Бўрдоқига семиртирдик. Мол териси сувга эмас, гўштга тўлди.

Ҳусанбой гапга тушунадиган ғайратли йигитлардан. Отанинг бир гапини икки қилмади. Чорва молларига сидқидилдан қаради. Ҳаво очиқ кунлари молларни тоғ ёнбағирларига ёйиб ўтлатди. Сайр қилдирди. Совуқ кунларда молхоналарда бўлди. Ота билан бирга 168 бош бузоқни боқди. Уларни ем, сувдан қолдирмади. Зооветврачларнинг айтганича, ишлади. Молхоналарни озода тутди. Ҳар бир бузоқнинг бир кеча-кундузда 600—700 граммдан семиришига эришди. 110—180 килограммлик бузоқларни қисқа вақт ичида 240—250 килограммлик новвосга айлантириш осонми.» Бу қанчадан-қанча ҳалол меҳнат қилишни, топширилган вазифани сидқидиллик билан бажаришни талаб қилади,

— Ўғлим, бу новвосларингга бир назар ташлагин-а, ранги тоза, соғлом. Иштахаси зўр. Яна ғайрат қилайлик. Боқувини яхшилайлик. Ҳар бир молга белгиланган нормадаги овқатни берайлик. Ем-хашакни қанчалик майдалаб берсак, шунчалик тез ҳазм бўлиб, яйраб семиради. Ҳа, айтгандек, ойлигимиз ҳам ошибди. Семиз гўшт бераётганимиз учун маошимиз 90 сўмга етиб



Тошкентнинг чиройли кун сайин очилиб бормоқда. Суратда: вокзал майдонининг умумий кўриниши.

А. ПАЛЕХОВ фотоси.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ШИРАЧНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Шаҳри-мунг тўғрисидаги ривоятларнинг бирида «...Бу шаҳарни минг йилдан бери ҳам ҳеч бир истилочи ололгани йўқ ва унинг деворларини буза олгани йўқ...» дейилади. Сира бузиб бўлмайдиган бу деворлар тарихчиларнинг айтишига қараганда, тоғларда ўсадиган ширачнинг томиридан ҳосил қилинган кукун аралаштириб қурилган.

Тожикларнинг қадимги афсоналарида ва қўлёзма китобларида гули катта ва чиройли бўлиб очиладиган баланд бўйли ширачнинг (эремурус) ажойиб хусусиятлари борлиги баён қилинади. Маҳаллий аҳоли бу ўтнинг томирини майдалаб ва унга ширач деб ном қўйиб, азалдан бери елим ўрнида ишлатиб келган. Крахмалга ўхшаш бу ширач алоҳида муҳим иншоотларни: қўрғонларни, минораларни қурган вақтда бинокорлик материалларига аралаштириб ишлатилган, халқ медицинасида ҳам ширачдан кўп фойдаланилган.

Тожикистонда ширач деб аталган бу ўтнинг ўттизга яқин тури бор. Бу эса ер юзида шу вақтгача маълум бўлган ширач турларининг ярмисидир. Тожикистон Фанлар академияси ботаника институтининг старший илмий ходими О. Кудряшева бу ўсимликларнинг томирларида эремуран деб аталган биологик актив ёпиқ модда борлигини ва бу модда томирнинг 37 процентини ташкил қилганлигини аниқлади.

БИР ЯРИМ ТОННАЛИК «ҚУЁШ»

Совет илмий тадқиқот кемаси «Гневний» экипажи Тасман денгизида жуда катта қуёш — балиқнинг нодир нусхасини топди.

...Капитаннинг старший ёрдамчиси Игорь Журавлев кемадан қараб турганида, сув устида ғалати шаклдаги бир катта нарсани кўриб қолди. Бу нарса жуда катта қуёш — балиқ бўлиб чиқди.

Ўн метр наридаги бу балиққа гарпун тўпдан отилган эди, лекин бир сантиметр қалинликдаги гарпун мазкур катта балиқнинг ёнбошига тегиб, ботиб киролмай, қайрилиб қолди. Бу баҳайбат балиқ ҳеч нимани сезмагандай сувда ёта берди... 10-марта отилгандан кейингина гарпун балиқнинг танасига санчилди. Балиқ овловчи старший мастер Алексей Кравцов кемадаги бақувват лебедка ёрдами билан ниҳоят жуда қийналиб, мазкур балиқни кемага тортиб олди.

Бу қуёш — балиқнинг узунлиги тўрт метрдан ошиқ, эни икки метр чамаси, вазни бир минг беш юз килограмм эди. Балиқнинг битта кўзи етти килограмм келди.

ДЕНГИЗДА ЎСТИРИЛАДИГАН САБЗАВОТЛАР

Қора денгиз, Болтиқ денгизи ва Узоқ Шарқ денгизларида сув остидаги «сабзавотлар»дан ҳар йили юз миллион центнердан кўпроқ денгиз карами, тўйимли сув ўсимликлари ва ўтлар ҳосилини олиш мумкин. Бутуниттифоқ денгиз балиқчилик хўжалиги ва океанография илмий тадқиқот институтининг ходимлари мана шуни аниқ ҳисоблаб беришди.

Совет олимлари денгиз сув ўсимликларидан жуда кўп миқдорда агар-агар ҳосил қилиш йўлини топдилар. Бу маҳсулотнинг бир килограмми, масалан, тўқимачилик саноатида икки килограммга яқин крахмалнинг ўрнини боса олади. Кондитерлар жем, пастила, мармелад, зефир ишлаб чиқаришда агар-агар дан фойдаланишни кенгайтирмоқдалар. Сув ўсимлигидан ҳосил қилинган бу порошокнинг бир тоннаси 20 вагон мармелад ишлаб чиқаришга бемалол кифоя қилади.

Денгиз карами ерда экиб ўстирилдиган карамнинг ажойиб рақибидир. Бу йил мана шу тўйимли ва шифобахш ўсимлик ҳосилини тўплаш ва қайта ишлаш анча қўпайтирилади.

ТАСС мухбири.

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

КОМСОМОЛ ШАРАФИГА

А. Навоий номли Давлат кутубхонасида ташкил этилган виставкани томоша қилар экансиз, республикамиз комсомолининг 40 йил ичида босиб ўтган шонли йўли кўз олдингизда гавдаланади. Виставкадан ўрин олган экспонатлар, китоб, фото, портретлар ҳаммаларнинг диққатини жалб этмоқда.

Виставканинг биринчи бўлими «Коммунистик партия комсомолнинг раҳбари ва ташкилотчисидир» деб номланган. Қолган олти бўлим эса республикамиз комсомолларининг босиб ўтган жанговар ва муранкаб йўлларини тасвирлайди. Виставканинг бир бўлими «Икки дунё — икки ёшлик» деб аталган. Бунда социалистик ва капиталистик тузумдаги ёшлар ҳаётини акс эттирувчи бир қатор адабиётлар ўрин олган.

ИНВАЛИДЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Киров районидаги Ҳамид Олимжон номли маданият уйида Улуғ Ватан уруши инвалидларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш Ватан уруши инвалидлари ҳамда урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзларни кенгайтириш тўғрисида яқинда ҳукумат қабул қилган қарорга бағишланган эди.

Улуғ Ватан уруши инвалидларига берилган янги имтиёзлар, уларни ишга жойлаштириш, моддий турмушини яхшилаш чоралари тўғрисида Узбекистон ССР Социал таъминот министрининг ўринбосари Қ. М. Маҳкамова доклад қилди. Докладдан сўнг залда ўтирган инвалидлар кўп саволлар бердилар. Уларнинг саволларига Узбекистон ССР социал таъминот министрлиги пенсия таъминоти ва нафақалар бўлимининг мудири С. Мирзаҳмедова батафсил жавоб қайтарди.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ёзувчи Шуҳрат ўз китобхонлари билан учрашди. Филология фанлари кандидати У. Норматов область кутубхонасига йиғилган китобхонларни ёзувчининг ижоди билан қисқача таништиргач, Шуҳрат ўз ижоди, келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб берди.

Кутубхонада республикамиз шоир ва ёзувчилари билан ижодий кечалар ўтказиш одат тусига кириб қолган. Китобхонлар бундан аввал Шайхзода, Шукрулло, Азиз Абдураззоқ ва бошқа қаламкашлар билан ҳам учрашган эдилар.

ЯНГИ ҚЎШНИ

Янги уйга кўчдик, Шинам, ойнавон,
Бири боққа, бири тоққа очилар.
Кундуз қуёш бўлса хонамда меҳмон,
Тунда ой поёндоз бўлиб сочилар.

Шу уйдан заводга илк бор йўл олдим.
Дўстлар мени қуршаб табрик этдилар.
Аммо янги уйни сўрашдан олдин
«Қалай янги қўшнинг» дея кетдилар.

Гулчеҳра ЖУРАЕВА.

ЧЎҚҚИДА

Чўққидан орқага, пастга қарайсан,
Кўзларинг тинади сал айланиб бош.
Ваҳима ичида аста қарайсан,
Атрофдан излайсан қулайроқ бир тош.
Водийга боқасан тошда ястаниб,
У ердан ҳеч овоз келмайди, жим-жит.
Ҳовучдек водийни бўлмайди таниб,
Одам ҳам чумоли сингари жимит.
Аслида ундаймас, буюк ҳар одам,
Ўшалар тоғларда қўллаган сени.
Ўшалар бир соат бундан муқаддам
Сўқмоқдан чўққига йўллаган сени.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

Суратда: ўйин пайти. Б. Мазур фотоси.

ФУТБОЛ

НАТИЖАСИЗ ҲУЖУМ

Зудлик билан қайта қурилган стадион торлик қилиб қолди. Тошкент, Чирчиқ, Тўйтепа, Янгиўл ва теварак-атрофдан келган 20 мингдан зиёд кишини ўз бағрига сиғдираолмади. Бутуниттифоқ категорияли судья Н. Просвидин (Томск) бирнеча минут учрашувни тўхтатиб қўйиб, стадионда тартиб интизом ўрнатишни талаб қилди.

Энди учрашув ҳақида. Ўйиннинг иккинчи минутида В. Қаҳҳоровнинг қўпол хатосидан фойдаланган меҳмонлар марказий ҳужумчиси Г. Смирнов ҳисобни очди. Бу тўпдан рухан тушмаган колхоз футболчилари актив қарши ҳужумга ўтадилар. Қанотдан ёриб кирган Е. Казаков тўпни Прохоровга узатади. Аммо натижасиз бўлади. Орадан уч минут ўтгач С. Хон жуда қулай имкониятни қўлдан бой беради. У беш-олти метрлар чамасидан тўпни-тўғри дарвозабонга қараб тепади. Майдон эгаларининг қандай бўлмасин ҳисобни тенглаштириш лозим деган қарорини тушунган ригалик футболчилар ҳимояга кўпроқ эътибор бера бошлайдилар. Меҳмонларнинг ярим ҳимоячилари, ҳатто ҳужумчилари ҳам тез-тез ҳимоячиларига ёрдамлашиб турардилар. «Политотдел» футболчиларининг тўхтовсиз қилган ҳужуми натижа бермайди. Икки ҳимоячини чиройли қилиб алдаб ўтган Е. Казаковнинг кучли зарбаси штангага тегиб қайтади.

Иккинчи тайм майдон эгаларининг актив ҳужумлари билан ўтди.

«Политотдел» мавсумдаги биринчи бу учрашувда Риганинг «Даугава» командасидан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсада, ишқибозлар ўйиндан мамнун бўлиб қайтдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

* * *

Иккинчи группадаги қолган учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Кубань» (Краснодар) — «Волга» (Калинин) — 0:0, «Арарат» — «Жальгирис» — 1:0, «Карпати» — «Шинник» — 1:0, «Олга» — «Динамо» (Таллин) — 1:1, «Трактор» (Волгоград) — «Текстильщик» (Иваново) 0:0, «Терек» (Грозний) «Локомотив» (Челябинск) — 2:0, «Локомотив» (Тбилиси). «Уралмаш» (Свердловск) — 3:4, «Заря» — «Қайрат» — 0:0, «Локомотив» (Винница) — «Волга» (Горький) — 0:0, «Днепр» (Днепропетровск) — «Динамо» (Ленинград) 4:2, «Металлург» (Запорожье) — «Авангард» (Харьков) — 3:2, «Энергетик» (Душанба) — «Спартак» (Гомель) — 2:3, «Молдова» — «Шахтер» (Қараганда) — 0:1.

„ПАХТАКОР" — ДОНЕЦК

Кеча «Пахтакор» стадионида мавсумолди биринчи ўйин бўлди. «Пахтакор» Донецкнинг «Шахтёр» командаси билан учрашди.

Бу учрашув ишқибозларда бирмунча яхши таассурот қолдирди. Аммо уларни ҳали ҳам ҳужумчиларимизнинг ноаниқ зарбалари, ҳал қилувчи дақиқаларда тўпни аниқ тепа олмасликлари ранжитди. И. Малиновский ва Ю. Мелкумов бир неча марта қулай имкониятларни бой беришди. Ҳимоячи М. Шарипов ва ярим ҳимоячи В. Штерн меҳнатсеварлиги, чиройли ўйинлари билан хурсанд этди. Суюнов, Мухин ва Медведевлар ҳам бирмунча яхши ўйнашди.

Биргина учрашувдан аниқ бир хулосага келиш қийин, албатта. Ҳар ҳолда «Пахтакор» командаси мавсумга жиддий тайёргарлик кўрган деган хулосага келиш мумкин. Асосий ўйинлар ҳали олдинда.

Мавсумолди ўртоқлик учрашуви 1:0 ҳисобида «Пахтакор» фойдасига тугади. Тўпни 15-минутда Г. Красницкий киритди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Полиздаги воқеа** (болалар учун, Ёш томошабинлар театри спектакли).

Рус тилида: 12.30 — **Шопен яшаган жойда**, 13.00 — **Инглиз тили** (болалар учун), 13.20 — **Сирли орол** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 14.50 — **Физикадан лекция** (сиртқи студентлар учун).

Рус тилида: 17.00 — **«Артек» олимпиада кунларида** (болалар учун ҳужжатли фильм), 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Ҳар кимнинг бурчи** (илмий оммабоп фильм), 18.00 — **Бадиий гимнастика бўйича республика биринчилиги мусобақаси** (Армия спорт клубидан), 19.00 — **Реклама ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 19.10 — **Экран куйлари**, 19.45 — **Телевизион янгиликлар**, 20.00 — **Концерт** (Ўзбекистон радио ва телевидение оркестри ва солистлари иштирокида).

Рус тилида: 20.40 — **Марта Рафаэль куйлайди** (Дўстлар совғаси), 21.10 — **Новости дня** киножурнали ва **Ишонинг менга, одамлар** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/IV да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Семург**, 6/IV да **Ҳамза.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 4/IV кундуз соат 1 яримда 4-6-синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича: **«Қани, ўйлаб топ!»** деган темада **концерт-лекция.**

5, 6, 7/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва давлат циркининг қизиқчи артистлари иштирокидаги **«Ҳазилни қўйинг» томошасининг** ҳамда қўнғир ва гималай айиқларини ўргатувчи **Изабелла Адаскинанинг** сўнгги гастроли. Бугун 3 марта томоша кўрсатилади: (кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да).

КИНО

Можаро — «ИСКРА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Тақдирга қарши — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да), «НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз 5 да).

Суратдаги одам — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Хиросима тошлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалол нонимиз — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кеч 6 да).

Севги деб — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6-15 минут ва 9 да).

Ҳалонат — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

4, 6 апрелда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Сарвар Азимов асари

Юлдузлар жамоли

2 пардали драма.

Режиссёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Гинзбург** ва СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Олим Хўжаев**, рассомлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Д. В. Ушанов** ва **А. А. Шибаев**, композитор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Икром Акбаров.**

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

БОҒБОНЛАР ВА ГУЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўсимликларни совуқ уришдан сақлайдиган

тутун шашкалари сотилмоқда

Тутун шашкаларини керосин дўконларидан олиш мумкин.

Табиат ва кўналамзорларни қўриқлаш Тошкент шаҳар жамияти ва «Узлесстройторг» Тошкент ёқилғи базаси.

Телефон 2-90-87.

ФЕЛЬЕТОН

ПИШЧЕТОРГДАГИ САВДОЛАР

Ориф Қурбонов... Ҳа, танишга ўхшайди-ю, лекин... Эй, бўлди, бўлди, эсга тушди. Асфальт-битум заводида бир вақтлар директор бўлиб ишлаган-а? Ана холос... Ахир асфальт-битум заводида ҳаммаёқни «қойил» қилганди-ю. Оббо Орифей, шунча нарсани ҳам текислаб юборганакан-да... Ҳали сизлар асфальт-битум заводида нималар қилганини эшитмаганмисизлар. Ана холос... Хўп майли, эшитинглар бўлмаса.

Ориф Қурбонов асфальт-битум заводида директорлик жиловини қўлга олгач, бундай азмойиш солиб кўрса даромад келадиган жўмраклар кўп, биридан шовуллаб тушади, биридан жилдираб. Гоҳ бунисига, гоҳ унисига идишини тутаверади. Шу орада Қурбоновнинг атрофида жўмрак бурайдиганлар пайдо бўлади. Улар Орифга қараб гуришади, ўнга деса ўнга, чапга деса чапга бурашади жўмракни. Аста секин жўмракни ўзлари томонга оқадиган қилиб очиб қўйишақолади. Хашпаш дегунча 100 минг сўмга яқин нарса оқиб келиб Ориф Қурбонов ҳамтовоқларининг ҳамёнини тўлдиради.

Худди шу пайтда, яъни жўмракдан тарновдек оқиб келаётганда, кимдир уни тўхтатади. Қурбоновнинг хамтавақларига даромад келмай қолгач, шаршара тагидаги баликдек типирчилаб, тамшанишади. Сув оқиб кетиб, сир юзага чиқади. Қурбонов заводдан «тантанали» суратда бўшатилади. У «энди тамом бўлдим», деб юрган пайтда яна иши ўнгидан келиб. Октябрь район пишчеторгига директор қилиб тайинланади. Шунда Ориф Қурбоновни қаттиқ огоҳлантиришади.

— Энди орқа-ўнгингизга қараб иш қилинг, яна заводдагига ўхшаш иш қиладиган бўлсангиз...

— Биз ҳам пишиқ бўлиб қолдик, кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади, — деди Қурбонов икки қўли кўксида.

Асфальт-битум заводининг кечаги директори мана бугун, қарабсизки, пишчеторгда директор. У ёнига кирган савдо ходимларига: яхши текис бўлдими, яна шағали кўриниб қолмасин, деб беш-ўн кун гапидан адашиб ҳам юрди.

Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас деганларидек Қурбонов ўзини тийиш учун ҳаракат қилди, бўлмади, чидайолмади.

Бир куни у дўппини ерга қўйиб, бўлажак савдолар ҳақида режалар тузди. Ўзини савдо ходимлари ўртасида ажойиб директор қилиб кўрсатишга уринди. Магазин мудирлари билан яккама-якка гаплашиб чиқди. Одамларнинг ичига кириб, ўз таъбири билан айтганда, савдо ходимлари орасидан гапга «тушунадиган» ва гапга «тушунмайдиган»ларни аниқлади. Одамлар билан муомала қилганда шунга қараб тош қўядиган бўлди. Қурбонов янги келган пайтида хушмуомала, барчага баравар, камсухан эди. Аста-секин ўзгара бошлади. Анави гапга «тушунадиган»лар, мўйлов қилса қўл қовуштириб «лаббай хўжайин» деб йўргалаб келадиганлар унинг пинжига киришади. Шундан кейин ҳалиги гапга «тушунмайдиганлар»нинг шўри қурийбошлади. Уларнинг тўғри, дўстона айтган гаплари эгри бўлиб кўринаверди. Қурбонов бора-бора одамларни сортга ажратиб гаплашадиган бўлиб қолди. Гапга тушинадиганларни биринчи сортга, гапга тушинмайдиганларни иккинчи сортга ажратди. Имо-ишорага тушунмай «без» бўлиб турадиган кишиларни эса «паст сорт» деб атайдиган бўлди. У ҳатто дўқ-пўписа, куракда турмайдиган сўзлар билан баъзи ходимларни ҳақорат қилди.

Ориф Қурбонов коллективни икки группага бўлиб юборди. Одамлар ўртасида бир-бирига нисбатан низо уруғини сочди. У бундан ўз манфаати йўлида фойдаланди. Тўғри танқид қилган софдил ходимларга нисбатан иғво уюштирди. Ўзининг гапига «тушунадиган» магазин мудирларини ҳузурига чақириб:

— Огоҳ бўл, сенинг устингдан палончиев ва пистончиевлар анонимка ёзишяпти, — деб уни гижгижлаб қўйди-да, уларнинг томошасини кўриб гураверди.

Директорнинг гапига лақ этиб ишонган баъзи мудирлар «улар ёзишни биздан кўришсин», деб оқ қоғозни қора қилишаверди.

Бир куни Қурбонов бош бухгалтерни ҳузурига чақирди.

— Буйруғингизга мунтазирман, Ориф Қурбонович, — деди Пак Моисей итоаткорона.

Қурбонов унга бир парча қоғоз узатиб шундай дейди:

— Мана шу магазин мудирлари анавиларнинг тарафдори. Уларнинг тилини қисиб қўйиш зарур. Ревизорга тайинла, бориб ишкал чиқариб келсин...

Қарабсизки, Қурбоновнинг «раҳбар»лигида пишчеторгнинг катта ва ҳаҳл коллективи икки йил ўтар-ўтмас бири у ёққа, бири буёққа тортадиган, бир-бирига хўмрайиб, шубҳаланиб қарайдиган коллективга айланиб қолади. Айниқса аппарат ходимлари ўртасидаги дўстлик чипта қопдек тит-пит бўлиб кетади. Бошлиқнинг фикри бузуқ бўлгач шунақа бўларкан...

Бош бухгалтер Пак Моисей Қурбоновнинг ишончини юз фоиз қозониб олгач, ўзини хон, қўлан касини майдон деб ҳис этабошлади. Ҳа, Пак Моисей ҳам анойилардан эмас. Текин даромад манбаини топишга устаси паранглардан. Директор билан унинг ўртасидан қил ҳам ўтмайди. Икковлон сирли ишлар қилиб юришибди. Шунинг учун Пак ҳам ҳеч нарсадан тап тортмай, ўз билганича иш тутаяпти. Бир кун 7-комсомол магазинига қўққисдан ревизия келди. Ревизия ташкилотчилари тилларини тишлаб қолишди. Чунки, ҳамма нарса жойида, ишкал йўқ. Аммо шўнга қарамай магазин мудири Мамажоновни бир чеккага чақириб:

— Ишинг чатоқ, бир нима чўзмасанг, расво бўлади, — дейди маъноли кўз қисиб.

— Нима деяпсиз? — ажабланди Мамажонов, — мен сиз айтганлардан эмас...

— Хом ўйлаяпсан йигит, ишингни тўғри қиладиган ҳам, тахирингни чиқарадиган ҳам аканг қарагай. Шундай бўлгач, тахи синмаган элликталиклан ўнтасини кап қилсанг олам гулистон, ёпиғлиқ қозон ёпиғлик, — деди Пак кўзларини лўқ қилиб, Мамажонов тошингни тер дегандек нафратланганича ўз йўлига кетаверди, бу ҳақда тегишли органларга ёзма равишда хабар қилди.

Бош бухгалтер Моисей 10-магазинга ревизор Кимни юборди. У магазинни тафтиш этиш вақтида ҳеч қандай камомат йўқлиги ҳақида акт тузиб келтирди. Бундан Пак Моисейнинг сочлари тик бўлиб кетди ва:

— Ия, жуда ношуд экансанку, — деди дағдаға қилиб, — бу аҳволда биз билан ишлолмайсан, ариза бериб бўшаб кет. Менга истаган вақтимда ревизия қилиб ишкал чиқарадиган ходим керак...

Пак Моисей соф виждонли ходимга ана шундай дўқ-пўписа қилиб турган эдики, нариги хонадаги Қурбонов ўн уч йилдан бери шу пишчеторгда ҳалол меҳнат қилиб келаётган экспедитор Қодировни хонадан ҳайдаб чиқарди. Қурбонов гапга «тушунмайдиган» ходимларга ана шундай муносабатда бўлади, уларнинг тагига сув қўйиш учун барча найрангларни ишга солади. Бу йўлда унга Пак Моисей суянчиқ, маслаҳатгўй бўлиб туради.

— Моисей ука, — деди бир куни Пакнинг елкасига қўл ташлаб Қурбонов, — шу Қодировдан қутилишнинг иложини қилсангчи.

— Хўп бўлади хўжайин.

Шу-шу Пак Қодировни қоралаш пайига тушди. Шу мақсадда 49-магазин мудири Абаиловни ишга солишади. Қодиров номидан қалбаки ҳужжат тайёрланади ва шу куниёқ милиция органига хабар берилади. Қодировнинг уйи тинтув қилинади, ўзини излашади. Ҳеч қандай жиноий иш йўқлиги аниқланади. Қасддан шундай қилингани билиниб қолади. Қодиров ҳақ бўлиб чиқади. Бироқ нима учундир милиция органидаги ўртоқлар қалбаки ҳужжат тайёрлаб ўзларини чалғитиб юрган шахсга нисбатан лом-мим ҳам дейишмайди.

Қурбонов «ўз насибасини» териб ейишда ҳамтовоғи Пак Моисейдан ўтиб тушади. У ойига 200 сўмлан маош олатуриб, кам маошли қоровул, уборщица ва шу хилдаги ходимларга ёрдам тариқасида бериладиган пулдан «қийналдим» деб 100 сўмини ўмарди. Буни эшитган Пак Моисей «биз ҳам қийналиб қолдик», дейди. Унга 150 сўм, огайниси, 1-база мудири Хуббиевга 100 сўм ва Ҳасанхўжаев деган ўртоғига 100 сўм бериб «ёрдам» кўрсатади. Бу хомталашдан директор ўринбосари Ореховга ҳам 100 сўм чўзилади. Ана кўряпсизми, улар ҳам хўрдани, ҳам бурдани уришяпти.

Раҳбар одил бўлмаганидан кейин гап-сўз кўпаяр эҳан. 126-магазин мудири Салоҳ Нажмиддиновнинг устида қанча-қанча паст-баланд гаплар бўлишига қарамай ой туғса ҳам, кун туғса ҳам унга бўлаяпти. Салоҳ Нажмиддинов Қурбоновнинг ўнг қўли, «муҳим» маълумот бериб турувчи югурдаги бўлиб олган. 26-магазин мудири Саъдуллаевдан 216 сўм камомат чиққанига қарамай у ҳам Қурбонов даврида дўпписини яримта қилиб юрибди. Саттор Хуббиевнянг 490 сўм камоматини босди-босди қилиб юбориш учун Қурбонов озмунча елиб-югурдими?!

21-ларек мудири Каримов биринчи сорт сариғ ёғни олий сорт деб пуллади. Бир сўмлик гўштни хашар йўли билан магазин қураётганларга бир сўм саксон тийиндаига ўтказди. Бу сир фош бўлгандан кейин Қурбонов дарров Каримовни ўз қаноти остига олди. Унинг бир тонна гуруч, 500 килограмм макаронни бировнинг уйига тушириб яширинча сотмоқчи бўлганида ҳам унинг жонига Қурбонов оро кирганди.

Хуллас, Қурбонов ва унинг ҳамтовоқлари томонидан содир бўлган ножўя хатти-ҳаракатларни санаб одог қилолмаймиз. Қурбонов «раҳбарлигида» райпишчеторг ходимлари ўртасида интизом бўшашиб, ҳар хил иғво ва майда гаплар кўпайиб кетди. Биров бировга ишонмайдиган бўлиб қолди. Коллектив ўртасида ҳар хил гап чувалашиб юрибди. Бунақа ишларни қилиш Қурбоновга қўндоқда теккан экан. У, шу сабабли қаерга бошлиқ бўлиб борса одамларни, биринчи навбатда гапга «тушунадиган», ва гапга «тушунмайдиган» тоифаларга ажратади.

Ориф Қурбоновнинг қилмишларини тўлароқ билмоқчи бўлсангиз, Октябрь район партия комитети, район прокуратураси ва ОБХСС даги юпқа-қалин папкалар варақланса бас, у отнинг қашқасидек бўлади, қолади.

С. МАҲКАМОВ,
М. ИБРОҲИМОВ.

„ПАХТАКОР" — ДОНЕЦК

Кеча «Пахтакор» стадионида мавсумолди биринчи ўйин бўлди. «Пахтакор» Донецкнинг «Шахтёр» командаси билан учрашди.

Бу учрашув ишқибозларда бирмунча яхши таассурот қолдирди. Аммо уларни ҳали ҳам ҳужумчиларимизнинг ноаниқ зарбалари, ҳал қилувчи дақиқаларда тўпни аниқ тепа олмасликлари ранжитди. И. Малиновский ва Ю. Мелкумов бир неча марта қулай имкониятларни бой беришди. Ҳимоячи М. Шарипов ва ярим ҳимоячи В. Штерн меҳнатсеварлиги, чиройли ўйинлари билан хурсанд этди. Суюнов, Мухин ва Медведевлар ҳам бирмунча яхши ўйнашди.

Биргина учрашувдан аниқ бир хулосага келиш қийин, албатта. Ҳар ҳолда «Пахтакор» командаси мавсумга жиддий тайёргарлик кўрган деган хулосага келиш мумкин. Асосий ўйинлар ҳали олдинда.

Мавсумолди ўртоқлик учрашуви 1:0 ҳисобида «Пахтакор» фойдасига тугади. Тўпни 15-минутда Г. Красницкий киритди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЕНГИЛ АТЛЁТИКАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Фарғона. Бу ерда биринчи марта космонавт Юрий Гагарин совғини учун ёшлар ўртасида енгил атлетика бўйича «Спартак» жамияти Ўзбекистон совети биринчилиги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон, Нукус, Бухородан келган 180 га яқин ёш спортчи ва Қозоғистон пойтахтидан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Кескин курашлардан сўнг умумкоманда ҳисобида тошкентлик спортчилар ғолиб чиқдилар. Фарғона областининг вакиллари иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгалладилар.

Энг кучли енгил атлетикачилар апрель ойида Тошкентда ўтказиладиган республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. (ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши бўлими — 26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р-01798. Индекс — 64969. Нашр. № 1732.